

АНЬАНАВИЙ ХОНАНДАЛИК ИЖРОЧИЛИГИДА ОВОЗЛАР ВА АНСАМБЛДА КУЙЛАШНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Шокиров Тоҳиржон Нурмаматович

Фарғона давлат университети Санъатшунослик факултети
Вокал ва чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўзбек миллий анъанавий хонандалиги ижрочилигининг ривожланиши ва ривожлантиришига оид Президент қарорлари, хонанда овозлари, ансамбл бўлиб куйлаш имкониятлари, устунликлари ҳамда ансамбл бўлиб куйлашнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: Глобаллашув, қарор, мусиқа, овоз, диапозон, ансамбл, жамоа, тарбия.

ABSTRACT

This article talks about the President's decisions regarding the development and development of the Uzbek national traditional singing performance, singers' voices, the possibilities and advantages of singing in an ensemble, and the role of singing in an ensemble in educating the young generation.

Key words: Globalization, decision, music, sound, range, ensemble, community, education.

КИРИШ

И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Куллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлишдан шарафлироқ вазифа йўқ; бу дунёда”, деган сўзларига асосланиб мусиқий тарихимиз, унинг устазода ижрочи хофизлари ва улар қолдириб кетган ўлмас меросини тиклаб, уни ривожлантириб, давом эттириш кўнгилдагидай кечмоқда десам муболаға бўлмайди.

Жаҳонда кечаётган глобаллашув ижтимоий муносабатларнинг кенгайишига, бу эса “оммавий маданият”нинг тарқалишига ва миллий маданиятнинг қоришиб кетишига сабаб бўлмоқда. Глобаллашув ва оммавий маданиятнинг илдам тарқалиши сабабли миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга акс таъсир этмоқда. *Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев —Шарқ тароналари ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига багишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида:*

- Сайёрамизда турли келишимовчиликлар ва қарама-қаршиликлар, уруш ва низолар авж олган таҳликали замонда, одамзод тобора ўз дунёсига ўралиб бораётган бир шароитда мусиқа инсонга инсонлигини эслатиб, унинг албида келајакка умид ва ишонч уйготади. Мусиқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир. Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий қадриятларга ҳурмати баланд бўлади. Шу маънода, мусиқа – ҳеч нарса билан ўлчаб, солиштириб бўлмайдиган бекиёс илоҳий таъсир кучига эга десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз¹, дея таъриф бердилар. Бу борада давлатимиз ва Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан қабул қилинган қатор қарорлар санъат аҳли ва халқимиз томонидан катта шодлик билан кутиб олинди. 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони асосида белгиланган 70-мақсад ижросини таъминлаш².

2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари санъат аҳлига янги куч берди десак адашмаймиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мусиқий ривожланиш шахснинг умумий ривожланишига ўрнини ҳеч нима билан боса олмайдиган таъсир кўрсатади: эмоционал (хиссий) соҳа шаклланади, тафаккур такомиллашади, бола санъат ва ҳаёт гўзаллигига нисбатан сезгир бўлади. Мусиқа ва қўшиқ билан мунтазам шуғулланадиган инсонларда ижодий тасавурлар, олдиндан ҳис қилиш, кенг тафаккурга эгалик сингари ижодкорлик белгилари бошқаларга нисбатан ривожланган бўлади.

Мусиқий тарбия, мусиқий фаолият эстетик тарбиянинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида баркамол авлодни тарбиялашда етакчи ўрин тутадиган йўналишлардан бири саналади. Мусиқа моҳиятига кўра, бевосита мазмунига кўра эмоционал. Б.М.Теплов таъкидлаганидек, шу каби ажойиб хусусиятларига кўра мусиқа эмоционал билишга айланади ва инсоннинг, айниқса болаликда, эмоционал соҳаси ривожи учун ҳеч нима билан тенглаштириб бўлмайдиган имкониятлар яратади. Тадқиқотлар шуни

¹ Ш.Мирзиёев. Шарқ тароналари ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, Халқ сўзи газетаси 2019 йил, 27 август, 175-сони;

² <https://lex.uz/docs/5841063> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

қўрсатадики, мусиқа билан шуғулланган болада дадиллик, хар- хил вазиятларда ўзини яҳши тутиши, саволларга хаяжонланмасдан жавоб бериш жихатлар ривожланган бўлади.

Ўзбек халкининг анъанавий қўшиқ меросида асосан тўртта хонандалик маҳаллий услугуб мавжуд бўлиб, улар қўйидагича номланади:

1. Бухоро - Самарканд хонандалик услуби.
2. Хоразм хонандалик услуби.
3. Фарғона - Тошкент хонандалик услуби.
4. Сурхондарё - Кашқадарё хонандалик услуби.

Ашулачилар овозларининг номлари ва диапазонлари (товуш оралари) қўйидагилардан иборат:

1. Аёлларнинг юкори овози - сопрано.
2. Аёлларнинг пастки овози - альт.
3. Эркакларнинг юкори овози - тенор.
4. Эркакларнинг пастки овози - бас.
5. Болаларнинг юкори овози - сопрано ёки ўғил болаларнинг юкори овози -дискант.
6. Болаларнинг пастки овози - альт дейилади.

Сопрано овози қўйидаги турларга бўлинади:

1. Колоратура сопрано - жуда катта диапазонга эга бўлиб, ўта харакатчан бўлади. Бу овоз ўзининг жуда тиник ва ингичка тембри билан бошқа овозлардан ажralиб туради. Шунинг учун ҳам бу овоз ансамблъ ва хорга тавсия қилинмайди. Мисол: американка ашулачи Имма Сумак.

2. Лирик сопрано “до” биринчи октава - “до” учинчи октава - юмшоқ тембрли овоз. Мисол учун: ҳалқ артистлари Халима Носирова, Саодат Қобулова, Ўзбекистон ҳалқ артисти Хабиба Охунова ва бошқалар.

3. Драматик сопрано “до” биринчи октава - кучли оҳангдор овоз. Масалан: Ўзбекистон ҳалқ артисти Наима Пўлатова, Ўзбекистон ҳалқ артистлари Коммуна Исмоилова, Фароғат Раҳматова ва бошқалар.

Альт овози қўйидаги турларга бўлинади:

1. Меццо сопрано 1 - альт дейилади. “Соль” кичик1 октава, “соль” иккинчи октава оралиғида, енгил ва тўлиқ жарангдор овоз хисобланади. Масалан: Муножот Йулчиева, Мехри Абдуллаева.

2. Контральто - “соль” кичик октава - “ре”, “ми” иккинчи октава - жуда қуюқ овоз. Масалан: Гавҳар Тожибоева, Муножот Тешабоева.

Тенор овозлар икки хил бўлади:

1. Лирик тенор - “до” биринчи октава - “до” учинчи октава.

Жуда соф жарангли овоз. Масалан: Ўзбекистон халқ хофизи Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Эсон Лутфуллаев, Ўлмас Сайджонов ва бошқалар.

2. Драматик тенор - “до” биринчи октава - “си bemol” учинчи октава. Кучли жарангдор овоз. Мисол учун: Ўзбекистон халқ; артистлари Саттор Ярашев, Махмуджон Гофуров, Комилжон Отаниёзов ва бошқалар. Бас овозлари қўйидаги турларга бўлинади:

Баритон - “ля” катта октава - “соль” биринчи октава.

Бас - “фа” катта октава - “ми”, “фа” биринчи октава. Мисол: Ўзбекистон халқ, артисти Кўрқмас Мухиддинов.

Бас октавист - “фа” контр октава - “до” биринчи октава.

Баритон ўз тембри билан басларга ва юқори регистр товушлари тембри билан тенорга яқинлик хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам бу овозни бас билан тенор ўртасидаги оралик, овоз деса бўлади.

Баритон икки хил бўлади:

1. Лирик баритон - юмшок, ва ҳаракатчан овоз. Мисол учун: Ўзбекистон ва Тожикистон халқ, артисти Жўрабек Муродов, Ўзбекистон халқ, артистлари Шерали Жўраев, Камолиддин Рахимов, халқ хофизи Мухиддин Қори Ёқубовларнинг овозлари лирик баритондир.

2. Драматик баритон - кучли ва жарангдор овоз. Мисол учун: Ўзбекистон халқ, артистлари Насим Хошимов, Сасон Беняминовларни драматик баритон дейиш мумкин. Хаваскорлик ашула ва рақс ансамблари жамоаларини ташкил қилишда бадиий раҳбар овоз тембри ва диапазонига катта эътибор бериши керак. Бу овозларга мос асарлар танлаш, уларни жойида ишлатиш ва бу жараён болаларга қизиқарли бўлишини таъминлаш натижада тингловчининг ҳам завқ олишига эришиш учун ансамбл раҳбаридан катта ташкилотчилик ва иқтидор талаб этилади.

Айниқса қўпчилик ансамбл бўлиб куйлаш мураккаб психологик-физиологик жараён хисобланади. Мусиқа дарсларида ансамбл ишлари, ўқувчиларни ахлокий-эстетик тарбияси учун ўқитишининг энг фаол шаклидир. Ансамбл бўлиб қўшик куйлаш ўқувчиларнинг дикқат-эътиборини кучайтиради, хотираси, нутқи ривожланади, овоз диапазони кенгаяди, мусиқий ўқуви ўсади, мутация даври енгил ўтади, дунёқараши йилдан-йилга шаклланиб боради. Ансамбл мусиқа дарсида муҳим ахамият касб этади.

Бундай машғулотларда ўқувчиларнинг дикқат-эътибори, онглилиги ва фаоллиги ошади, мусиқий хотираси яхши ривожланади ва ўрганган қўшикларини ижро этганда, завқланиш ҳисси пайдо бўлади.

Кўшик кўйлаганда, ижодий – ижрочилик ҳамкорлик кучаяди ва дўстона жамоага бирлашади. Кўшиқни сўз маъноси ва мусиқа оҳангини чуқур идрок этадилар ва асарни мазмуни орқали ҳаётни ўрганадилар. Айнан ансамбл малакалари воситаси билангина ёқимли ва оҳангдош, соф, хор жарангдорлигига эришиш мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жамоавий ижро, яъни ансамбл бўлиб қўшиқ кўйловчилар орасида жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиш кўрсаткичи икки баробар кам қайд этилишини, ўрганишлар агарда ансамбл жамоаларига ёки турли ижодий тўгаракларга аҳолининг атиги 5 фоизи қамраб олинганда ҳам мамлакатнинг умумий маданий даражаси кескин ошишиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Ансамблда кўйлаш воситасида ёшларнинг чекиши, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, ижтимоий зўрикиш даражасини пасайтириш имконияти мавжуд. Ансамблда исталган асарни ижро этиш мумкин. Ансамлни овоз имкониятлари ва диапозони жуда катта. Ансамл бўлиб кўйлаш асосан туркий халқларга хос ижро тури, лекин бошқа халқлар ва давлатларда ҳам бундай услубда кўйлаш бор. Бу хор дейилади. Санъатнинг бу тури бугунги кунда қатор давлатлар, жумладан АҚШ, Германия, Австрия, Россия, Италия, Испания, Швеция, Чехия, Венгрия, Жанубий Корея, Хитой, Индонезия, Малайзия ва Въетнамда кенг ривожланмоқда.

ХУЛОСА

Бугунги кунга келиб, мусиқа санъатининг мазкур турига бўлган қизиқиш камайган. Бунинг сабаби, юқорида таъкидланганидек, умумтаълим мактабларида соҳа мутаҳассисларининг этишмаслиги, борлари ҳам ўз ишларига совуққонлик билан қарашлари оқибатида ўқувчи ёшларда жамоавий қўп овозлик кўйлаш ҳақидаги тасавурнинг мавжуд эмаслигидир. Ушбу масалани ижобий ҳал этиш учун аввало, олий таълим даргоҳларининг мусиқа таълими йўналишларида ансамбл синфи фанларини чуқурроқ ўргатишни йўлга қўйиш, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ансамбл ижрочилиги танловларни ўтказиш, - Баркамол авлод болалар ижодий марказларида ансамбл тўгараги фаолиятларини кучайтириш зарур.

Бунинг учун жойлардаги таълим муассасаларида ансамбл машғулотларига мослаштирилган хона, миллий чолғу созларини янгилаш, маҳсус техника билан таъминлаш борларини таъмирлаб, фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш талаб қилинади. Ансамблда кўйлаш орқали ўқувчи ёшларда жамоа билан ишлаш, қўпчиликни хурмат қилиш, катталарга хурмат кичикларга иззат, ўзбек ва жаҳон

композиторлари асарларини ўрганиш орқали мусиқий дунёқарашини ривожлантириш ва кенгайтириш каби вазифалар ҳал этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Ш. Мирзиёев. —Шарқ тароналари ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағищланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, - Халқ сўзи газетаси 2019 йил, 27 август, 175-сони;
2. <https://lex.uz/docs/5841063> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
3. Режаметова Н.И. Мусиқа машғулотларида креатив қобилиятларни ривожлантириш// Таълим, фан ва инновация. Маънавий-маърифий, илмий услубий журнал// Тошкент. 2017/3-сон,-б.15;
4. Нурмуҳамеджанов, А. (2022). ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА БЎШ ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 442-446.
5. Нурмуҳамеджанов, А., & Султанов, А. Р. (2020). УЗБЕКСКОЕ МУЗЫКАЛЬНОЕ ИСКУССТВО И КУЛЬТУРА ПО ВОПРОСАМ ФОРМИРОВАНИЯ. In ФИЛОСОФИЯ ИННОВАЦИЙ И СОЦИОЛОГИЯ БУДУЩЕГО В ПРОСТРАНСТВЕ КУЛЬТУРЫ: НАУЧНЫЙ ДИАЛОГ (pp. 257-261).
6. Nurmuhamedjanov, A., & Rustamov, I. (2022). YOSHLARNING IJTIMOIY FAOLLIGIDA MADANIYAT VA SAN'AT MUASSASALARIDAGI TO'GARAKLARNING O'RNI. *Science and innovation*, 1(C2), 48-50.
7. Абдисатторов, А. А. Ў. (2022). БАСТАКОРЛИК ИЖОДИДА МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 602-605.
8. Abdusattorov, A. A. O. G. L., Yusupjonova, D. O. Q., & Anvarova, B. D. Q. (2022). О ‘QUVCHI YOSHLARNI MUSIQIY ONGINI RIVOJLANTIRISHDA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISLOHOTLAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 376-378.
9. Djalolova, N. (2022). BO'LAJAK MUSIQA O'QITUVCHISINING AMALIY DARSLARGA TAYYORGARLIK FAOLIYATIDA KREATIVLIK JIHATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 534-539.

10. Djalalova, N. X. (2022). FORTEPIANODA IJRO ETISH YOSHLARNI MUSIQIY TAFAKKURINI FAOLLASHTIRUVCHI OMIL SIFATIDA. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 394-399.
11. Исаков, У. Т. (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. Science and innovation, 1(1), 625-636.
12. Isaqov, U. (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИГА ДОИР. Science and innovation, 1(C7), 101-107.
13. Kirgizov, I., Imyaminovich, K. I., Nurmuhammedjanov, A., Sotvoldievich, S. B., Mamasodikovna, N. M., & Juraevna, A. S. (2021). The Pleasure of Singing, Listening and Understanding Navoi. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 2410-2413.
14. Шокиров, Т. Н. (2022). МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (фольклор, достончилик, мақом мисолида). Science and innovation, 1(C3), 31-38.
15. Shakirov, T. N. (2022). SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE. Oriental Journal of Social Sciences, 2(06), 1-10.
16. Шокиров, Т. Н. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МУСИҚА ИЛМИГА КЎШГАН ҲИССАСИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 353-359.
17. Nurmamatovich, S. T. (2021). Theoretical of national music culture fundamentals.
18. Shohida, S. (2014). The role of the older generation in the education of young people. Austrian Journal of Humanities and Social Sciences, (11-12), 178-180.
19. Ataboyeva, S., & Ergashev, A. (2023). THE PLACE OF NATIONAL INSTRUMENTS IN THE ART OF MUSICIANS. Science and innovation, 2(C1), 38-41.